

Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 17 ноябрь • №44 (1427)

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Хурматли шифокорлар! Мухтарам соҳа фахрийлари!

Авалло, халқимиз саломатлигини асрашдек масъулиятли ва шарафли йўлда ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилаётган сиз, азизларни Тиббиёт ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга эзгу тилакларимни изхор этаман.

Машҳур юнон табиби Гиппократнинг: “Тиббиёт ва донишмандлик ўзаро ҳамоҳанг ва чамбарчас боғлиқдир”, деган сўзларида катта маъно бор.

Дарҳақиқат, дунёдаги энг бебаҳо бойлик, тенгсиз неъмат ҳисобланган инсон соғлиғини сақлаш, бемор қўнғлида умид ва ишонч уйғотиб, уни соғлом ҳаётга қайтариш учун шифокор нафақат чуқур билим ва тажриба соҳиби, айна пайтда юксак ақл-заковат ҳамда олижаноб қалб эгаси бўлиши даркор.

Ўз ҳаётини ана шундай улуғ ва савобли ишга бағишлаб, одамларнинг дарди-дармон бўлишни муқаддас бурч деб билган тиббиёт ходимларининг шаънига ҳар қанча таҳсинлар айтсак, арзийди, албатта.

Азиз шифокор ва ҳамширалар!

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро учун юқори сифатли ва малакали тиббий хизмат тизимини яратиш устувор вазифа сифатида белгилашиб, бу йўналишда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани сизларга яхши маълум.

“Инсон кадрни учун” деган эзгу таъмоилни жамиятимиз ҳаётида тўла рўёбга чиқариш мақсадида кейинги вақтда юртимизда соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан мунтазам учрашиб, олдимизда турган вазифалар ва долзарб муаммоларнинг ечимлари ҳақида фикрлашиб олиш ибратли анъанага айланди.

Жорий йилда сизлар билан ўтказилган мулоқотларимиз ҳам ҳар томонлама фойдали бўлди. Бунинг натижасида 2022 йилда соҳага оид йигирмадан зиёд қонун, фармон ва қарорлар ҳамда бошқа зарур меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Бугунги кунда сизларнинг фаол саъй-ҳаракатингиз билан тиббиёт

Давоми 2-бетда →

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш борасидаги қўп йиллик самарали меҳнати, соғлиқни сақлаш тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, замонавий даволаш усуллари амалиётга кенг татбиқ этиш, соҳага доир дастурлар ижросини муваффақиятли амалга оширишга қўшган муносиб ҳиссаси, юқори салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати»
ордени билан

Абдумавлонова Насиба Абдуқоди-
ровна – Тошкент вилояти 2-руҳий ка-
салликлар шифохонасининг аёллар бў-
лими мудир

Авезов Давлат Курбанбаевич
– Тиббиёт бош бошқармасининг
1-марказий клиник шифохонаси

шошилич кардиология бўлими
мудир

Мўминов Хусанбой Нажимидино-
вич – Олтинқул тумани тиббиёт бир-
лашмасининг шошилич тиббий ёрдам
бўлими болалар анестезиолог–реани-
матолог, Андижон вилояти

Абдуҳакимов Шосайд – Қорақўл

Давоми 2 ва 3 бетларда →

ЭЪТИРОФ

ЭЪТИБОР, ЭҲТИРОМ ВА ЭЪЗОЗ...



Инсон учун энг муҳими – саломатлик. Шу маънода, саломатлигимиз посбонларини қанчалар эъзозласак-да арзийди. Юртимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси Тиббиёт ходимлари куни сифатида кенг нишонланади. Ушбу санага бағишланган навбатдаги асосий байрам тантаналари Самарқанд шаҳрида жойлашган Ҳамид Олимжон номидаги мусикали драма театрида бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон соғ-

лиқни сақлаш соҳаси ходимларига байрам табриги йўллади. Уни Президентнинг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси Одил Абдурахмонов ўқиб эшиттирди.

– Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг байрам табригини катта ҳаяжон ва қаблимизда чексиз қувонч билан тингладик. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимларига бўлган ишончи, меҳри ва

ғамхўрлигидан бошимиз кўкка етди. Хаста дилларга малҳам бўлаётган тиббиёт соҳаси фидойи ходимларининг машаққатли меҳнатлари эътироф этилганлиги фаолиятимизга бўлган муҳаббатимизни янада оширди, – деди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Бехзод Мусаев.

Давоми 4-бетда →

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Давоми. Боши 1 бетда

хизмати бевосита маҳаллаларга, ҳар бир юртдошимизнинг хонадонига кириб бормоқда. Юқори малакали шифокорлар, олим ва мутахассислар жойларга чиққан ҳолда, оғир хасталиклардан азият чекаётган беморларнинг саломатлигини тиклашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бу йил ҳудудлар бўйлаб ўтказилган саломатлик акциялари давомида юртдошларимизнинг 210 минг нафари амбулатор ва 65 минг нафари стационар шароитда соғломлаштирилгани салмоқли натижалардан бири бўлди. Биз бундай эзгу ва хайрли ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Инсон ҳаёти ва саломатлигини асраб-авайлашдек ғоят муҳим вазифани адо этишда бирон-бир масалани эътибордан четда қолдириш, муаммоларнинг ечимини пайсалга солиш мумкин эмаслигини барчамиз яхши англаймиз.

Шу сабабли, тиббиёт соҳасини ривожлантириш жараёнида, аввало, бу борадаги мав-

жуд муносабат ва ёндашувларни тубдан ўзгартириб, “инсон – жамият – давлат” тамойилини ҳаётга жорий этиш устувор масала бўлиб қолмоқда.

Шу мақсадда тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Хусусан, биргина 2022 йилда жойларда 100 дан зиёд оилавий шифокорлик пункти, поликлиникалар ҳамда олис ва чекка ҳудудларда 1000 дан ортиқ маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилди. Натижада қўшимча равишда яна 3,5 миллион аҳолини бирламчи тиббий хизмат билан қамраб олишга эришилди.

Оилавий шифокорлар томонидан аҳолига бепул тарқатилган 70 хилдаги дори-дармонлар учун маблағлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 3 баробарга оширилди. Бирламчи тиббиёт муассасалари замонавий ультратовуш, электрокардиограмма ускуналари, стоматологик ва жаррохлик тўпламлари билан жиҳозланмоқда.

Оилавий поликлиникаларда кундузги даволаш ўринлари ташкил этилиши натижасида 740 минг киши шифохонага бормасдан, бевосита ўзи истиқомат қилаётган маҳаллада муолажа олиш имкониятига эга бўлди.

Мамлакатимизда хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш мақсадида ушбу клиникаларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилиб, мажбурий туристик йиғимлар бекор қилинди ҳамда давлат маблағлари ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатишга руҳсат этилди.

Саломатлик посбонларининг оғир ва масъулиятли меҳнатини муносиб кадрлаш, уларнинг ўз касбидан манфаатдорлигини ошириш масаласи ҳам давлатимизнинг доимий эътибор марказида турибди.

Яқинда соҳа ходимларининг ойлик маоши 30 фоизгача оширилиб, иш самарадорлиги ва натижасига қараб табақалаштирилган рағбатлантириш ҳамда устама тўловлари жорий этилгани ҳам бу йўлдаги муҳим қадам бўлганини қайд этиш лозим.

Соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган ижобий натижалар билан бир қаторда, ҳали олдимизда бажаришимиз зарур бўлган вазифалар ҳам етарли эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Бу ҳақда гапирганда, тиббиёт тизимини ривожлантириш йўлида бошланган ва халқимиз саломатлигини асрашда муҳим аҳамиятга эга бўлган қуйидаги масалаларни таъкидлаб ўтиш ўринли, деб ўйлайман.

Бугунги кунда беморларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда уларнинг танловига ҳурмат билан қараш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ана шу заруратдан келиб чиқиб, бундан буён тиббиёт тизимини “маблағни бевосита беморга сарфлаш” тамойили асосида молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Яъни, маблағлар тиббиёт муассасаларига умумий тарзда эмас, балки даволанган беморларга сарфланган харажатлардан келиб чиққан ҳолда йўналтирилади.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини мустақкам қарор

топтириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар бир фуқаронинг соғлигини асраб-авайлаш, уларни малакали тиббий хизмат билан тўлиқ қамраб олиш масалалари бундан буён ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Ҳурматли тиббиёт ходимлари!

Соғлиқни сақлаш соҳасини тезкор ва самарали, халқчил тизимга айлантириш йўлидаги ислохотлар жараёнида сизлар ўз зиммангиздаги масъулиятни шараф билан адо этиш учун бор билим ва маҳоратингиз, салоҳият ва тажрибангиз, азму шижоатингизни намоён этишингизга ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни касб байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, келгуси фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга қут-барака тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азиз шифокорлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1 бетда

туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйи психиатри, Бухоро вилояти

Мухамедова Машкура – Республика кон қуйиш марказининг кон ва унинг компонентларини тайёрлаш бўлими трансфузиологи

Усманов Рустам Музаффарович – Тошкент шаҳридаги 3-юқумли касалликлар клиник шифохонаси анестезиолог–реаниматологи

Хидиров Абдурасул Нурбаевич – Шаҳрисабз тумани тиббиёт бирлашмаси терапевти, Қашқадарё вилояти

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Хакимова Зулфия Хурматовна – Тошкент туманидаги «Н.Боймухамедов» қишлоқ врачлик пункти мудири, Тошкент вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Абдуллаева Дилором – Ғаллаорол туманидаги 10-қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири, Жиззах вилояти

Абдухолиқова Тухтапошшо

Нурматовна – Мингбулоқ туманидаги «Кўғалиқўл» оилавий шифокорлик пункти катга ҳамшираси, Наманган вилояти

Ачилова Гулзора Сайидмуратовна – «Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси» давлат муассасасининг тиббий–санитария бўлими болалар юқумли касалликлар бўлинмаси мудири, Навоий вилояти

Жумабаева Гулмира Уразимбетовна – Қўнғирот туманидаги 70-оилавий поликлиникаси мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Кахарова Дилором – Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг неонатология бўлими шифокори

Рустамова Дилбара Урушовна – Боёвут туманидаги 7-оилавий поликлиникаси мудири, Сирдарё вилояти

Юсупова Мехрибон Қадамовна – Қўшқўпир туманидаги 23-оилавий поликлиникаси мудири, Хоразм вилояти

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Айтеков Бакир Шукирлаевич – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон филиали реанимация бўлими шифокори,

Қорақалпоғистон Республикаси

Алимов Данияр Анварович – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директори

Алимова Ашира Ураловна – Сирдарё туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйи психиатри, Сирдарё вилояти

Алихожаева Назорат Арипходжаевна – Фурқат туманидаги «Ингичка» оилавий шифокорлик пункти оилавий шифокори, Фарғона вилояти

Арипова Матлуба Нартураевна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё филиали тез тиббий ёрдам бўлими шифокори, Сурхондарё вилояти

Бустинова Гулшода Аширалиевна – Учкудук тумани кўп тармоқли поликлиникаси дерматовенерологи, Навоий вилояти

Икромов Ирода Ташходжаевна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиали катга ҳамшираси

Мадаминов Алишер Аскарлович – Хўжайли тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими травматологи, Қорақалпоғистон Республикаси

Норкузиев Шерали Сафаралиевич – Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг ангиохирургия ва трансплантация бўлими мудири

Одилова Жамила Киямовна – Қашқадарё вилояти перинатал марказининг реанимация бўлими ҳамшираси

Рўзметова Хаитжон Қаландаровна – Боғот тумани тиббиёт бирлашмаси терапевти, Хоразм вилояти

Рустамов Бахромкул Суюнович – Мирзачўл тумани тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими инфекционисти, Жиззах вилояти

Султанова Дилбар Хамидуллаевна – Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг функционал диагностика бўлими шифокори

Суюмов Азамат Сайфуллаевич – Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий–амалий тиббиёт марказининг кон томир хирургияси ва буйрак трансплантацияси бўлими жарроҳи

Хафизова Тухтахон Яхяевна – Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг гастроэнтерология бўлими шифокори

Хўжамбердиев Абдусалом Убайдуллаевич – Республика ихтисослашти-

Давоми 3-бетда →

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1 ва 2-бетларда

рилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиали юрак-қон томир хирургияси бўлими мудири, Наманган вилояти

Шаробидинов Фахриддин Ривожидинович – Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими «Шаханд» шохобчаси шифокори, Наманган вилояти

Юлдашев Абдулазиз Абдумаликович – Тошкент шаҳридаги 1-болалар клиник шифохонасининг реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи

Якубов Одилжон Назирович – Андижон туманидаги «Ҳақиқат» оилавий шифокорлик пункти катта фельдшери, Андижон вилояти

«Дўстлик»

ордени билан

Азизова Дилбар Басатовна – Наманган вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг неонатология бўлими шифокори

Аллазов Феруз Ниязович – Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали патоморфология бўлими мудири, Самарқанд вилояти

Димитрова Татьяна Ивановна – У. Қурбонов номидаги Республика болалар рухий-асаб шифохонаси катта ҳамшираси

Искандарова Сайёраhon Муталибовна – Қувасой шаҳар тиббиёт бирлашмасининг қон қуйиш бўлими ҳамшираси, Фарғона вилояти

Каипов Сапарбай Уразбаевич – Чимбой тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилич тиббий ёрдам бўлими жарроҳи, Қорақалпоғистон Республикаси

Прудскова Татьяна Николаевна – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали терапия бўлими кардиологи, Жиззах вилояти

Хайматов Йўлчиной Ёрматович – Паркент тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими мудири, Тошкент вилояти

Шарапов Сайпулла Эркаевич – Миришкор туманидаги «Чандир» қишлоқ шифохонаси бош шифокори, Қашқадарё вилояти

Югай Игорь Александрович – Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази нейрохирурги

Юсупова Батес Аденаевна – Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси болалар аллергопневмология бўлими кичик тиббий ходими

«Соғлом турмуш»

медали билан

Ашурова Манзураhon Джалолдиновна – Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтининг овқатланиш, болалар ва ўсмирлар гигиенаси кафедраси мудири, Фарғона вилояти

Жалилов Шуқуриллаhon Худойбердиевич – Андижон шаҳридаги «Соғлом турмуш» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

«Шуҳрат» медали билан

Абдиев Кадам Атабаевич – Урганч тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими фельдшери, Хоразм вилояти

Журалиев Музаффар Журалиевич – Болалар миллий тиббиёт марказининг кардиология бўлими шифокори

Каримов Жўрабек Сунатуллоевич – Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг диагностика бўлими шифокор-сурдологи

Муйдинов Жавлонбек Иброхимович – Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиохирургия бўлими мудири

Муртазаев Жасур Бобоназарович – Қарши шаҳридаги «Невромед шифо

маскани» хусусий клиникаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

Мухаммадиева Лазиза Яркуловна – Олмазор тумани тиббиёт бирлашмасининг туманлараро фтизиатрия диспансери фтизиатри, Тошкент шаҳри

Насриева Дилафрўз Савридиновна – Вобкент туманидаги «Д. Бобоқулов» оилавий шифокорлик пункти мудири, Бухоро вилояти

Нуруллаев Нисбатулло Насруллоевич – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё филиали кардиотерапевтик реанимация бўлими мудири, Сирдарё вилояти

Рахимов Шерзодбек Алишеревич – Андижон туманидаги «Malika laboratories» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

Рахманова Дилбар Ибрагимовна – Республика махсус 1-Зангиота шифохонасининг юқумли касалликлар бўлими шифокори

Абдусаматов Шовкат Абдумухтомович – Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими хайдовчиси, Фарғона вилояти

Авазов Равшонбек Наримович – Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими хайдовчиси, Хоразм вилояти

Ишмухамедов Хасан Тишабаевич – Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси хайдовчиси

Камалов Косимбет Жамалович – Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими хайдовчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Қосимов Исомиддин Масақулович – Навбахор тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими хайдовчиси, Навоий вилояти

Набиев Абдумалик Муйдинович – Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими хайдовчиси, Наманган вилояти

Назаров Ариф Бекназарович – Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими хайдовчиси, Сирдарё вилояти

Назаров Панжи Холлиевич – Кўк-

дала тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими хайдовчиси, Қашқадарё вилояти

Раҳматов Шуҳрат Хошимович – Зангиота тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими хайдовчиси, Тошкент вилояти

Ўринов Ёқубjon Жўраевич – Қоракўл тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими хайдовчиси, Бухоро вилояти

Хамидкулов Баҳром Саидович – Шароф Рашидов тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими хайдовчиси, Жиззах вилояти

Шарипов Рустам Абдурахимович – Бойсун тумани тиббиёт бирлашмасининг «Дарбанд» худудий тез тиббий ёрдам бўлими хайдовчиси, Сурхондарё вилояти

Эгамназаров Шокир Нормуротович – Пахтачи тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими хайдовчиси, Самарқанд вилояти

Юсупов Баҳодир Темирович – Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими хайдовчиси, Андижон вилояти

Тўймуродов Зафар Мардиевич – Қўшрабат тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимининг санитария-гигиена лабораторияси шифокор-лаборанти, Самарқанд вилояти

Холбоев Улуғбек Бобоярович – Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг нейрохирургия бўлими мудири

Хушвақтов Ўткир Шоназарович – Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 11 ноябрь

• ДИЛ СЎЗЛАРИ •

КАСБИМ – БУ МЕНИНГ ФАХРИМ

Самарқанд шаҳрининг Ҳамид Олижон номидаги давлат мусиқали драма театридаги байрам танталари фидойи касб эгаларига янада кўтаринки кайфият бағишлади. Давлатимиз раҳбари томонидан юксак унвонлар билан тақдирланган тиббиёт ходимлари фахр ва ҳаяжон ила қуйидаги дил сўзларини изҳор этдилар.

– Бу йилги байрамни Самарқандда нишонлаётганимиздан жуда хурсандман, – дейди Республика қон қуйиш марказининг қон ва унинг компонентларини тайёрлаш бўлими трансфузиологи, «Мехнат шуҳрати» ордени соҳибаси Машкура Мухамедова. – Шаҳар яна ҳам обод, кўркам бўлибди. 44 йилдан буён шу масъулиятли касбда фаолият юритиб давлатимиз ва халқимиз-

нинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлганимдан фахрланаман. Бугун кўрсатилган эътибордан эса бошим осмонга етди.

– Президентимиз хорижда ишлаб юрган мутахассисларни юртимизга таклиф қилганларидан руҳланиб, 2018 йилда Россиядан қайтиб келганман ва тиббиёт марказимизда янги ташкил этилган кардиохирургия бўлимида иш бошлаганман, – дейди Фарғона вилояти болалар кўп

тармоқли тиббиёт марказининг кардиохирургия бўлими мудири, «Шуҳрат» медали соҳибаси Жавлонбек Муйдинов. – Вилоят ҳокимлиги уй-жой билан таъминлади, хориждаги сингари мураккаб жарроҳлик амалиётларини бажаришимиз учун зарур тиббий жиҳозлар олиб берилди. Бунинг натижасида шу пайтгача болаларда учрайдиган юрак хасталиклари билан боғлиқ мингдан зиёд операция ўтказдик. Шунча болага, уларнинг оила-сига қувонч бағишлаганимиздан гурурланамиз. Ана шу хизматларимизни эътиборга олиб, давлат мукофотига лойиқ кўрган Президентимиздан миннатдоримиз.

– Кўшқўпир туманининг энг олис Ғазобод қишлоғида жой-



лашган муассасамиз 18 мингдан ортиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатади, – дейди Хоразм вилояти Қўшқўпир туманидаги 23-оилавий поликлиника мудири, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси Мехрибон Юсупова. – 4800 нафар фертиль ёшдаги аёллар, 372 нафар бир ёшгача бўлган болалар бор. Кейинги йилларда бирламчи бўғинга алоҳида эътибор

қаратилиши, мунтазам тиббий кўриклар ўтказилиши натижасида мазкур тоифада учрайдиган турли касалликлар камайди. Байрам муносабати билан давлат мукофоти билан тақдирланганим поликлиникамиз жамоаси меҳнатига берилган юксак баҳо, ишонч деб биламан. Бу ишонч-ни, албатта, ўз меҳнатимиз билан оқлаймиз.

Ибодат СОАТОВА



ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОМ ВА ЭЪЗОЗ...



Давоми. Боши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони асосида мамлакатимизда тиббий хизмат сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, тизимни халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, замонавий даволаш усулларини амалиётга кенг татбиқ этиш, соҳага доир дастурлар ижросини муваффақиятли амалга оширишга қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ тиббиёт ходимлари мукофотланди.

Тадбирда ушбу юксак орден ва медаллар тантанали равишда ўз эгаларига топширилди.



Инсон саломатлиги ва унинг ҳаётини сақлаб қолишда “олтин соат” оралиғида биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бундай вазиятда тиббиёт бригадасининг чакирув манзилига адашмай ва кечикмай бориши, ўз навбатида, беморнинг шифохонага зудлик билан етказилиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу боис бу йил илк бор Президентимиз Фармони асосида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудидан бир нафардан тез тиббий ёрдам хизмати ҳайдовчиси юксак давлат мукофоти билан тақдирланди.



Тиббиёт ходимлари кунига бағишланган бадий кечада халқимизнинг сеvimли санъаткорлари, жумладан, Ўзбекистон Маданият вазири, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Муножот Йўлчиева, "Сўғдиёна" ва "Шодиёна" болалар гуруҳлари ва миллий санъатимизнинг бошқа қатор вакиллари ўзларининг дилрабо қўшиқ ва дилтортар рақслари билан иштирокчиларни хушнуд этишди.



Эътирофлиси шундаки, Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз тиббиёт ходимлари меҳнатига бўлган эътибори ва халқимиз саломатлигига қаратилган ғамхўрлигини биргина сўз билан ифодалаш қийин. Айниқса, Юртбошимизнинг соҳа вакиллари билан ўтказган очиқ мулоқотларида “Шифокорнинг нафақат устидаги халати, энг аввало, кўнгли ҳам, қўли ҳам пок бўлиши лозим” деб билдирган пурмаъно фикрларида чуқур маъно мужассам эканлигини кўраимиз. Бундай кенг имкониятлардан фахр туйғусини янада ҳис этаётган кўп сонли тиббиёт ходимларимиз тизимдаги амалиёт, тажриба, маҳорат ва илмий салоҳият бобида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Дарҳақиқат, дунёда инсон саломатлиги учун масъул бўлган, улар умрининг бардавом бўлиши учун астойдил хизмат қилаётган тиббиёт ходимларимиз халқимиз бахтига доимо омон бўлишсин.

Саҳифани
Ибодат Соатова тайёрлади

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИ

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг берган маълумотида кўра дунё аҳолисининг деярли ярми энг керакли тиббий хизмат билан тўлиқ қамраб олинмаган. Статистик маълумотларга кўра, жаҳонда 800 миллион нафардан ортиқ аҳоли ёхуд дунё аҳолисининг 12 фоизи ўз даромадларининг камида 10 фоизни соғлиқни сақлаш харажатларига сарфлашар экан.

Технологик тараққиёт тиббиётдаги оғрикли масалаларни ҳал этишга кўмаклашаётган бўлсада, кўплаб давлатларда аҳоли саломатлиги даражаси кўтарилганига эришиш қийин бўлмоқда. **Хўш, масаланинг ечими борми, қандай қилиб аҳолининг саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш мумкин?** Кейинги вақтларда тиббий терминологияда Суғурта деган тушунча пайдо бўлди. Республикада Давлат тиббий суғуртаси механизми кенг жорий этилмоқда. Суғурталаш тизимида ҳар бир фуқаронинг саломатлиги давлат ҳисобидан суғурталанади. Бунда аҳоли пул тўламайди ва давлат тиббий хизматни бепул кафолатлайди, яъни тиббий хизмат харажатлари Давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Мақсад аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва кўламини янада ошириш. Касалликларни эрта аниқлаш натижасида аҳолининг ўртача умр кўриш даражасини узайтириш. Қолаверса, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси, дори-дармон билан таъминланиши сезиларли даражада яхшиланади.

Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори Сирдарё вилоятида тажриба-синов тариқасида давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлат тиббий суғуртаси механизми уч босқичда амалга оширилади. Ҳозирда Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги барча тиббиёт муассасаларида, 2023 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ҳамда Фарғона вилоятларида, 2025 йилда эса юртимизнинг барча ҳудудларини қамраб олади. Ҳозирда Жиззах вилоятида тиббий

даги юкломани камайтирибгина қолмай, малакали тиббий хизмат ёрдами кўрсатиб келишмоқда. Айни вақтда республикадаги қатор нодавлат тиббиёт муассасалар билан шартнома тузилган. Шунингдек, Сирдарё вилоятида давлат тиббий суғуртаси тизимини тажриба-синов тариқасида жорий этиш концепцияси 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

салари қамраб олинган. Ўтган давр мобайнида тиббиёт ходимлари ва аҳоли орасида кенг қамровли тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилган. Аҳолининг суғурта тизими бўйича хабардорлик даражаси ортган.

Суғурта тизимини жорий қилишда тиббиёт бригадаларининг роли бекиёс. Шу тиббиёт бригадалари воситасида аҳоли рўйхатга олинади, соғлиқ кўрсаткичлари баҳоланади, зарур тиббий маслаҳат-

ология марказида айни вақтга қадар 150 дан ортиқ имтиёзга эга бўлган беморларда 1,5 миллиард сўмга юрак соҳасида юқори технологик операциялар ўтказилди. Вилоят кўптармоқли тиббиёт марказида 8 нафар имтиёзли беморда чанок-сон бўғимида эндопротезлаш амалиёти бажарилди. Давлат тиббий суғуртаси тизимини амалиётга жорий этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси депутатлари томонидан мунтазам видеоалоқа тарзида йиғилиш ташкил этилиб, Сирдарёда амалга оширилаётган ишлар бориши тўғрисида масъулларнинг ахбороти тинглаб борилмоқда. Бундан ташқари халқаро экспертлар гуруҳлари, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти мутахассислари ҳам доимий равишда Сирдарё вилоятига ташриф буюришиб, тиббий суғуртаси механизмларини амалиётга жорий этиш борасидаги ишлар ҳолати билан танишишмоқда. Ўтган бир йиллик дастлабки ҳулосалар Президентимиз томонидан ижобий қабул қилинган. Тиббий суғурта тизимини мамлакатимизда жорий қилиш ҳеч қачон Давлатимиз раҳбарининг эътиборидан четда қолмаган.

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ – СУҒУРТА ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИ...



суғурта тизимига ўтиш учун тайёргарлик ишлари кетяпти. Бунда барча тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти, биноларнинг ҳолати ҳатловдан ўтказилади. Ишдан чиққан, таъмирга муҳтож асбоб-ускуналар, қандай бинолар таъмирга муҳтож, муассасалардаги ходимлар тақчиллиги рўйхати шакллантирилади. Шу рўйхат асосида тиббиёт муассасаларини зарур тиббий жиҳозлар ва кадрлар билан таъминлаш чоралари кўрилади. Давлат тиббий суғуртаси тизими тўғрисида аҳоли хабардорлигини ошириш мақсадида Жиззах вилоят телерадиокомпаниясида кўрсатувлар, очик мулоқот жараёнлари ташкил этиляпти, маҳаллий нашрларда мақолалар чоп этиляпти. Даволаш-профилактика муассасалари тиббиёт ходимларига ушбу мавзуда суҳбатлар, семинарлар уюштириляпти, тиббиёт ходимлари орқали аҳолига бу янгиликни етказиш асосий мақсад қилинган. Давлат тиббий суғуртаси тизимини амалиётга татбиқ қилишда Давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат тиббиёт ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар аҳолига кўрсатаётган тиббий ёрдами билан давлат ташкилотлари-

Тараққиёт стратегияси Давлат дастури доирасида ишлаб чиқилган. Сирдарё вилоятида тажриба-синов тариқасида бошланган ишлар билан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида вилоятдан тиббиёт ходимлари тегишли йўналиш бўйича Гулистон шаҳрига ташриф буюриб, иш жойида амалий кўникмалар ҳосил қилишмоқда. Вилоятимиз тиббиёт ходимлари Гулистон шаҳридаги оилавий поликлиникаларга ташриф буюришиб, фуқароларнинг электрон базасини яратиш, патронаж тизими, шифокор олди кўрик хонасининг жиҳозланиши, тиббий бригада, амалиётчи ҳамширанинг вазифаси, электрон навбатларни жорий қилиш, йўлланма бериш тартиби каби ишлар билан яқиндан танишишяпти. Гулистон тиббиёт кластерида ҳам бўлиб, кластернинг афзаллик томонлари ва таркибий қисмлари тўғрисида атрофлича маълумот олишяпти.

Қайд этиш керакки, Сирдарё вилоятида Концепцияда кўрсатилган ҳар бир тадбир ўз вақтида амалга оширилмоқда. Тизим яратилган, режа бўйича ишлар кетяпти. Суғурта механизми билан вилоятнинг барча даволаш-профилактика муасса-

лар берилади, саломатлик кўрсаткичига кўра кейинги босқич – туман, шаҳар, вилоят, республика шифохоналарига юборилади. Ҳозирги вақтда жамғарма республиканинг 52 та ихтисослаштирилган шифохоналари билан ҳам шартнома имзолаган. Бу шифохоналарда имтиёзли тоифага кирувчи аҳоли гуруҳига

стационар ёрдам кўрсатилади. Бемор бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасидан оилавий шифокор берган йўлланма орқали стационарга келади ва ҳеч қандай ҳақ тўламасдан тегишли тиббий ёрдам олади. Агар беморнинг саломатлиги юқори технологик жарроҳликка муҳтож бўлса, даволанганлик ҳолати бўйича жамғармага асословчи ҳужжатлар юборилса, муассасага барча харажатларни тўлаб берилади. Жиззах вилоятида 3 та тиббиёт муассасаси билан 2,9 миллиард сўмлик шартнома имзоланган. Булар Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах вилоят филиали, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларидир. Карди-

Бу давлат томонидан кафолатланган тиббий суғурта тизими эди. Ҳеч қайси мамлакатдаги суғурта тизимида харажатлар давлат томонидан тўлиғича қоплаб берилмайди.

2017 йилларда дунёда суғурта тизими қай даражада ташкил этилганини ўрганиш мақсадида қатор давлатларга етук мутахассислар юборилган. Исроил, Франция, Германия, Корея Республикаси, Япония, Россия шулар сирасидан. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, ҳеч қайси мамлакатнинг тиббий суғурта тизими Ўзбекистон шароитига мос келмади. Шунинг учун Ўзбекистон ўзига мос келадиган тизимни танлаб, шу йўналишда дадил қадам ташланди. Бу давлат томонидан кафолатланган тиббий суғурта тизими эди. Ҳеч қайси мамлакатдаги суғурта тизимида харажатлар давлат томонидан тўлиғича қоплаб берилмайди. Бунга Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан куч-ирода ҳамда маблағ топилди ва халқимиз бу имкониятдан фойдалана бошлади.

Тўғри, ҳозирча тизимни яратишга қаратилган механизмлар ишляпти. Тажриба-синов лойиҳаси якунига етгач, натижалар умумлаштирилади, хулосалар чиқарилади, иқтисодий имкониятлар ҳисобланади. Келажакда соғлиқни сақлашнинг янги модели – суғурта тизимининг кенг жорий этилиши ислохотларни янги босқичга олиб чиқади.

Илҳом НОРБОЕВ,
Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг
Жиззах вилояти бош мутахассиси.

ХАЛҚАРО ДИАБЕТГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда қандли диабет касаллиги тобора яшариб бормоқда. Ҳозир Ер юзи аҳолисининг қарийб 7 фоизи ушбу дарддан азият чекапти. Улардан жуда катта қисми хасталикнинг 2-турига чалинган.



Мутахассисларнинг хулоса қилишича, бу касалликни келтириб чиқарувчи омиллар орасида носоғлом турмуш тарзи асосий ўринни эгаллайди. Шу боис, 14 ноябрь — Халқаро диабетга қарши кураш куни деб белгиланган.

Афсуски, хасталик юртдошларимиз орасида ҳам кенг тарқалган. Унинг бир неча тури фаркланади. Қандли диабетнинг 1-тури кўпроқ болалар ва ўсмирлар орасида учрайди. Агар ўз вақтида тегишли даво чоралари кўрилиб, касаллик назоратга олинмаса, оғир асоратларни келтириб чиқаради. Диабетнинг 2-тури эса олдини олиш мумкин бўлган хасталик. Соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик, қонда қанд миқдорининг доимий назорати — скрининг, керак бўлса, тегишли дори воситалари орқали бу дардни

ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ
ДАВОСИ — СОҒЛОМ
ТУРМУШ ТАРЗИДИР

енгиш мумкин. Агар инсонда диабет олди ҳолатлари кузатилса, метформин препаратини қабул қилиш тавсия қилинади. Бундай вазиятда шифокор тавсияларига тўлиқ риоя этилса, стационар шароитида даволанишга ҳеч қандай эҳтиёж бўлмайди. Қондаги қанд миқдори сутка давомида доимо тўлиқ меъёрга ушлаб турилса, диабет асоратларининг олдини олиш ёки кечиктириш мумкин. Шу сабабли аҳоли, аввало, патронаж ҳамшираси ва оилавий шифокор, қандли диабет билан касалланган беморлар эса

эндокринолог назоратида бўлиши шарт. Эҳтиёж бўлганда кардиолог, невропатолог, нефролог, офталмолог, хирург мутахассислари билан маслаҳатлашган ҳолда даволаниш чоралари кўрилиши керак.

Президентимизнинг “Эндокринология хизматини такомил-

лаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, айна пайтда қандли диабет касаллигига чалинган беморларни бепул дори-дармонлар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Қирқ ёшдан ошган аҳолини йилда камида бир марта ба мақсадли скринингдан ўтказиш тизими йўлга қўйилди. Сурункали эндокрин касалликларни даволашнинг замонавий клиник протоколлари ва алгоритмлари жорий этиляпти.

Бунда 2022–2024 йилларда юртимиз аҳолисининг эндокринология ёрдамида кўрсатишни ривожлантириш дастури асосида олиб борилаётган ишлар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Феруз ТҶРАЕВ,
академик Ё.Тўракулов номидаги
Республика ихтисослаштирилган эндокринология
илмий-амалий тиббиёт маркази директори.

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

КЎЗЛАРГА НУР
БАХШ ЭТИБ...

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази 95 ўринга мўлжалланган бўлиб, таркибида 250 дан ортиқ қатновга мўлжалланган поликлиника ҳам фаолият юритади.



Бу ерда айна пайтда 176 турдаги мураккаб хирургик операциялар бажариб келинмоқда. Кўз



соҳасидаги барча жарроҳлик амалиётлари мураккаб бўлиб, микрохирургик — махсус юқори технологик



тиббий ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Бу ускуналарнинг 30 фоизи ноёб ҳисобланади.



Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур тиббиёт муассасасидаги соҳа мутахассисларининг касб маҳоратлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Намозжон ТОЛИПОВ.

МАСОФАВИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

ТЕЛЕТИББИЁТ —
КЎПРОҚ
БЕМОРЛАР
ҲАЁТИНИ
САҚЛАБ ҚОЛАДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти телетиббиёт йўналишига доир янги тавсияларни ишлаб чиқди. Унда дунёнинг барча минтақаларида ушбу соҳани жадал ривожлантириш зарурлиги қайд этилган.

Аслида, масофавий тиббий хизмат кўрсатиш амалиёти соғлиқни сақлаш тизими учун янгилик эмас. Бирок, Ер шарининг нариги бурчагидан туриб бошқа олис мамлакатдаги беморни ноёб операция орқали даволашдек инновацион имкониятга бундан кейин ҳам эҳтиёж жуда катта. Шу боис ЖССТ телетиббиётдан янада кўпроқ фойдаланиш тарафдори. Бунинг учун ҳукуматлар ўз юртида мазкур соҳани кенг жорий этиш чораларини

кўришлари керак. Ташкилотнинг Европа минтақавий бюроси томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, телемедицина касалликлар диагностикаси ва муолажаси, қолаверса, қатор сурункали хасталиклардан азият чекаётган беморларга узоқ муддатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим роль ўйнайди. Ўрганишлар давомида Европа ва Марказий Осиёда жойлашган 53 давлатда яшовчи 20 мингдан ортиқ беморларнинг маълумотлари таҳлил қилинди.

“Биз телетиббиёт амалда катта самара бераётганига ишонч ҳосил қилдик, — дейди ЖССТ вакили. — Клиник натижалар ва тиббий ёрдам сифати яхшиланганига гувоҳ бўлдик. Бундан беморлар ҳам, шифокорлар ҳам бирдек манфаатдор”. Бирок соҳа ривожини йўлида жиддий тўсиқлар мавжуд. Масалан, чекка ва олис ҳудудларда интернетга уланиш имконияти паст. Қолаверса, баъзи беморларнинг телетиббиётга нисбатан муносабати салбий.

Янги тавсиялар ана шундай муаммоларни бартараф этиш орқали аҳоли саломатлигини ишончли таъминлашни кўзда тутди.

@ssvuz

МУТАХАССИС МАСЛАХАТИ

Шундай касалликлар борки, унга чалинган беморлар шифокорга мурожаат қилишга хижолат бўлиб, асоратлар янада кучайишига замин яратиб беради. Улардан бири бавосир бўлиб, халқ орасида геморрой деб ҳам аталади.



Бугунги кунда бу касалликдан халос бўлишга ёрдам берувчи дори воситалари рекламиси ижтимоий тармоқларда кўп тарқалмоқда. Бавосир ҳам кўпгина касалликлар сингари ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Яъни, ушбу хасталикнинг юзага чиқишида турли ҳолатлар, айрим

эри, эркакларда мунтазам спиртли ичимликлар ичиш, тамаки ва носвой чекиш, ич кетиши каби ҳолатлар ушбу касалликнинг пайдо бўлишига олиб келувчи муҳим сабаблар ҳисобланади.

Ҳозирги технологиялар ривожланиш даврида бу дард асо-

сан ёшлар орасида кузатиляпти. Қолаверса, тиббиётда бавосирнинг туғма ва орттирилган турлари ҳам фарқланади. Ўз навбатида, бирламчи (алоҳида касаллик кўринишида) ва иккиламчи (жигар циррози, йўғон ва тўғри ичак касалликларининг белгиси) сифатида ҳам бўлиши мумкин.

Касалликнинг олдини олиш, унинг кечишини энгиллаштириш

Қабзиятни даволашда овқатланиш тартибига амал қилиш, яъни парhez муҳим ўрин тутди. Янги узилган сабзавот ва ҳўл мевалар ҳамда уларнинг айрим куритилганлари, мева шарбатлари, қайта ишланмаган сут-қатик маҳсулотлари, газланмаган маъданли сувлар (кун мобойнида 3-4 литр), ўсимлик мойлари аралаштирилган сабзавотли салат-

рининг ўрни алоҳида. Жисмоний машғулотлар қорин, оралик мушакларни мустаҳкамлаб, кичик чаноқ аъзоларида қон айланишини яхшилайди. Нагижада томирларда қон димланиши ва тугунчалар ҳосил бўлиши хавфи камаяди. Узоқ муддат бир жойда ўтириб ёки тик туриб ишлайдиган касб эгалари (ўқитувчи, котибалар, операторлар, ҳисобчилар, газначилар, сартарошлар ва ҳоказо) ҳар 1-2 соатда беш дақиқалик танафус қилиб, бадантарбия машқлари билан шуғулланишлари лозим.

Бирок бавосир тугунчалари ташқарига чиққанда ва улардан қон кетиб, тромблар кузатилганда, ҳар қандай жисмоний зўриқтишлар тақиқланади. Хусусан, бу вақтда велосипед миниш, эшак ва отда юриш ҳамда оғир жисмоний меҳнат қилиш ва бадантарбия машқларини бажариш мутлақо мумкин эмас. Аксинча, бундай пайтда беморлар ётоқ тартибига риоя қилишлари лозим.

ВАҚТИДА ШИФОКОРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУҲИМ

хавф омиллари муҳим роль ўйнайди. Жумладан, узоқ муддат бир жойда ўтириб ишлаш, кам ҳаракатлилик, қабзият, хомилдорлик, туғурук жара-

ва даволашда нималарга эътибор қаратиш лозим? Унга олиб келувчи энг асосий омиллардан бири қабзият ҳисобланади. Шу боис, энг аввало, ушбу касалликни бартараф этиш ва олдини олишга жиддий эътибор қаратиш керак. Бунинг учун қуйидагиларга амал қилиш зарур.

Улар:

- руҳий ҳолатни изга солиш;
- жисмоний фаолликни ошириш;
- тартибли овқатланиш;
- дориларни (сурги, антибиотик, ичак қисқаришига таъсир этувчи дорилар) фақат шифокор тавсиясига кўра қабул қилиш.

лар тавсия этилади.

Бирок чой, қахва, какао каби таркибида танин моддаси кўп бўлган маҳсулотларни ичиш мумкин эмас. Ушбу хасталикни олдини олиш ва эрта даврларида даволашда бадантарбия машқла-

Бавосирга чалинган инсонлар тортинмасдан шифокорга ўз вақтида мурожаат қилишлари касалликни эрта даврда даволашда муҳим ўрин тутди.

Санжарбек МАТКАРИМОВ,

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази даволаш ишлари бўйича проректори, кўп тармоқли клиникаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди.

• ФВБ ОГОҲЛАНТИРАДИ •

ИС ГАЗИДАН ЗАҲАРЛАНИБ ҚОЛМАЙЛИК...

Табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, беҳосдан узилиб қолиши, хона ичида тўпланиши, табиий газни ёқиб қаровсиз қолдириш, қувурларни улашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида чакнаш, ёнғин, ҳамда табиий ва ис газидан заҳарланиш ҳолатлари каби турли фавқулодда вазиятлар содир бўлмоқда.

Бу ҳол инсонларнинг турли хил тан жароҳатлари олиши ёки айрим ҳолатларда ўлим билан якунланиши кузатилади. Ушбу ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва манбалари ўрганилиб, таҳлил қилинганда, фуқароларнинг табиий газдан нотўғри фойдаланиши, уларни назоратсиз қолдирилиши, иситиш қурилмалари, газ қувурлари уланган жойдан газ сизиб чиқиши, инсонларнинг заҳарланиши кузатилмоқда. Бундан ташқари, қўлбола иситиш мосламалари билан иситиладиган хоналарда мўри тўлиб қолиши ва ёнғин вақтида ёпик, тутунли хоналарда қолган шахсларда ҳам заҳарланиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Асосан, ис газни хонадонларда, ташкилотларда фойдаланиладиган табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, кўмир ва органик моддаларнинг чала ёнишидан ҳосил бўладиган газдир. У – рангсиз, ҳидсиз ва таъмсиз газ бўлади. Ис газидан заҳарланиш даражаси газнинг миқдорига, кишиларни заҳарланиш жойда қанча вақт қолиб кетганлигига ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ. Ис газининг организмга таъсири натижасида қонда кескин ўзгариш кузатилади, унинг таркибидаги гемоглобин билан реакцияга киришиб карбонсигемоглобин моддасини ҳосил қилиши натижасида тўқималарга кислородни етиб келиши ва қондаги зарарли моддаларнинг ажралиб чиқиш жараёни бузилади. Бу эса организмда кислород танқислигини келтириб чиқаради, салбий таъсир кўрсатувчи зарарли моддаларнинг хусусиятларини билиш бугунги кунда хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Заҳарланиш унинг ҳаводаги таъсир муддатига боғлиқ бўлади ва улар энгил, ўрта ва оғир даражада бўлади. Бундай ҳолларда бош

каттик оғриб, қусиш, ҳушдан кетиш кузатилади ҳамда нафас олиш секинлашади. Баъзан ўлим ҳолатига олиб келади.

Биринчи ёрдам кўрсатиш учун, аввало, заҳарланган кишини зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш зарур. Жабрланган инсоннинг нафас олишида ёки нафас олиши тўхтаб қолганда унга сунъий нафас олдириш лозим бўлади. Табиий газ ва ис газни билан заҳарланиш билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар қуйидаги ҳолатларда содир бўлиши мумкин, табиий газнинг тўлиқ ёнмаганидан ҳосил бўладиган ис газининг салбий таъсири, иситиш тизимига табиий газни улашда меъёрий талабларга риоя этмаслик, фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, иситиш учун мўлжалланган печкалар ҳамда мўриларнинг соз ҳолатда эмаслиги, яхши тозаланмаганлиги ва бошқалардир.

Хонада табиий газ йиғилиб қолганида зудлик билан қуйидагиларни амалга ошириш зарур, ойна ва деразаларини очиб, шамоллатиш, электр жиҳозларини ёкмаслик, ёқик бўлса ўчирмаслик, газ жўмрақларини беркитиш, беркитишнинг иложи бўлмаса ёки ёрилган, синган ва тешилган жойлар аниқланса, газ таъминоти авария хизматига хабар бериш кабилардир.

Табиий ва ис газидан заҳарланиш юз берса, зудлик билан заҳарланган кишига биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, 101, 103, 104, 1050 телефон рақамлари орқали мурожаат қилишни ёдда тутинг.

Н. ЮСУПОВ

“Қорасув қарор гоҳи” Давлат резиденцияси ЁХТТЕБ ЁН ва ПБ инспектори, капитан.

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Республикамызда ҳар йили куз-қиш мавсумига барча соҳада тайёргарлик кўрилади. Бу борада бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилиниб, ижроси таъминланади.

Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш бевосита Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари олдида ҳам катта вазифаларни юклайди. Хусусан туманимызда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари томонидан олиб борилаётган бир қатор тарғибот ва ташвиқот ишлари яъни аҳоли турар жойлари, қорхона ва ташкилотлар, мактаб, мактабгача таълим ташкилотли, олий ўқув юрталари, махсус мактаб интернатлари, даволаш муассасалари, ҳамда янги қурилаётган бино ва иншоотларда ёнғинга қарши ҳолатлари текширилиб чиқилмоқда. Олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот ишлари-

га қарамасдан аҳоли турар жойларида оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслиги оқибатида кўплаб кўнгилсиз воқеалар содир бўлмоқда. Шундай ҳодисалар бўлмаслиги учун ҳар биримиз ҳар доим хушёрликни ошириб ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишда масъулиятимизни оширайлик. Бу билан, ўз ҳаётимизни давлатимиз ҳамда шахсий мулкимизни ёнғин офатидан асраган бўламиз.

Сухроб САЙИМОВ,
Тошкент шаҳар, Миробод тумани
ФВБ Пва НБ инспектори,
лейтенант

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Маълумки, пойтахтимиздаги Республика шошинч тиббий ёрдам илмий марказига қунора заҳарланганлар ёки лойқайдлик оқибатида қуйган болажонларни даволатгани олиб келишади. Бундай ўсмир-ёшларни кўрган кишигина қуйиш нақадар оғир эканини ҳис этса керак.

Мазкур марказ шифокорларидан бирининг айтишича, қуйиб жароҳат олган болаларда ҳеч қандай айб йўқ. Энг асосий айбдорлар уларнинг ота-оналар ўз фарзандларига олов билан ўйнаш ёмон оқибатларга олиб келиши бўйича тушунтириш бермаяптилар. Айниқса, уларни уйда ёлғиз қолдириб, ишга ёки бошқа юмуш билан кетиб қолиши натижасида болалар катталарга тақлид қилиб, гугурт чақаяптилар, дазмол ёқишмоқда ёки овқат пиширишмоқчи бўлишяпти. Оқибати эса фожа билан тугаб, болалар жиддий тан жароҳати олиб, шифохонага тушмоқдалар. Ўзи-

миз ҳам ота-она бўлганимиз боис, жони оғриётган болажонларга ачинамиз.

Шундай экан, болаларнинг олов билан ўйнашлари, ёнғинга олиб келувчи ҳолатларга қўл урмасликлари учун улар тарбиясига кўпроқ аҳамият беришимиз лозим. Зеро, тарбия инсон камолининг асоси. Агар ўз вақтида фарзандларимиз тарбияси ва назоратига эътибор қаратсак, шубҳасиз, кўнгилсизликларнинг олди олинади.

Санжар РАИМОВ
Тошкент шаҳар, Бектемир
тумани ФВБ НТБ бошлиғи,
лейтенант.

• ИМКОНИЯТ •

Болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат Фонди томонидан Хоразм вилоятида истиқомат қилувчи эҳтиёжманд, кам таъминланган, оғир шароитга тушган оилалардаги бемор болаларга консултатив ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида навбатдаги “Эзгулик манзили” хайрия акцияси ўтказилди. Бу акцияга Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг тажрибали мутахассислари жалб этилган.

Хоразм вилоятидаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида ташкил этилган мазкур акциядан кўзланган асосий мақсад Жамғарманинг тиббий дастурларига асосан оғир

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган Жамоат фондига эндигина 1 йил бўлди. Ўтган давр мобайнида республикамизнинг кўпгина ҳудудларидан тиббий-ижтимоий ёрдамга муҳтож болажонларга хайрия ёрдамлари, операция харажатлари тўлиқ қоплаб берилди. Ҳозир ўтказилган акция доирасида ҳам Жамоат фонди томонидан



тиббий акция бўлиб ўтди. Акция доирасида 50 нафар

лояти Юқоричирчиқ туманига 50 та ҳамда Жиззах вилояти Фориш туманига 120 дона озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган материаллардан иборат инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди.

Эътирофлиси, Болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат Фонди томонидан нафақат юртимиз, балки хорижий клиникалар билан ҳам ҳамкорлик меморандумлари имзоланган. Бу келишув доирасида ҳам қатор ижтимоий-тиббий лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳозирда **20 нафар** бемор болалар хорижнинг нуфузли клиникаларида даво-ланишмоқда.

Шу кунларда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда “Моҳир қўллар” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бунда 32 нафар 16-18 ёшли ногиронлиги бўлган болаларни “Моно-марказ” да кизиқишларидан келиб чиқиб касб-хунарга ўргати-либ, уларни уй шароитида ўзини ўзи банд қилиши учун асбоб-ускуналар сотиб олинди ва уларга тарқатилди.

“ЭЗГУЛИК МАНЗИЛИ” АКЦИЯСИ ХОРАЗМДА



ташхисли бемор болаларни даволаш, бепул дори-дармон воситалари билан таъминлаш, улар саломатлигини мунтазам тиклаб бориш, пировардида операция қилинишига зарурат бўлган бемор болаларда мураккаб операция амалиётларини ўтказишдан иборатдир.

Шу кунгача Жамоат фонди томонидан юрак туғма нуқсонли, туғма лаб, танглай ёриқлари нуқсонли, кўз, эшитиш тизими, ортопедик касалликлари ташхиси бўлган болаларга жарроҳлик амалиётини ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Андижон, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида “Эзгулик манзили”, “Болаларга табассум” хайрия акциялари ўтказилиб, 2000 нафар бемор бола тиббий кўриқдан ўтказилди, уларнинг 500 нафарида вилоят миқёсида юқори технологик жарроҳлик амалиётлари бажарилди.



Акциянинг дастлабки кунидан **300 га яқин** бемор болалар ва уларнинг ота-оналари ташриф буюришди. Биринчи босқичда барча болалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Шифокорларнинг тавсия ва хулосалари асосида айрим болаларга шу ернинг ўзида, **60 нафар** болада операция амалиётлари ўтказилди. Қолган болаларда эса бу жараёнлар босқичма-босқич амалга оширилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ота-оналари эса бу мурувват ёрдамидан мамнун.

нафақат болаларни операция қилиш, балки уларни соғломлаштириш, зарур дори воситалари билан таъминлаш каби харажатлар ҳам тўлиқ қоплаб берилмоқда.

Мамлакатимизда илк марта Жамоат фонди томонидан “Номукамал остеогенез” ташхисли болаларни даволаш мақсадида “Хрустал болалар” миллий лойиҳаси амалга оширилди. Шу муносабат билан Республика болалар ортопедия марказида “Хрустал болалар” миллий лойиҳаси доирасида бепул

бемор болаларда хорижлик шифокорлар иштирокида жарроҳлик амалиёти бажарилди ва бу жараёнда маҳаллий мутахассислар учун маҳорат дарслари ҳам ташкил этилди.

Эҳтиёжманд оила фарзандлари холидан хабар олиш ва уларга керакли дори-дармон ва ижтимоий мослашув қурилмалари билан таъминлаш мақсадида “Манзилли ёрдам” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Тошкент ви-

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган Жамоат фондига эндигина 1 йил бўлди. Ўтган давр мобайнида республикамизнинг кўпгина ҳудудларидан тиббий-ижтимоий ёрдамга муҳтож болажонларга хайрия ёрдамлари, операция харажатлари тўлиқ қоплаб берилди.

Албатта, бу каби ижтимоий акцияларнинг доимий равишда ўтказилаётганлиги бемор болажонларни тўлиқ даволаш, уларни тенгдошлари каби соғлом ҳаётга қайтариш йўлидаги эзгу амаллардан бири ҳисобланади.

Акция 18 ноябрга қадар давом этади.

Намоз ТОЛИПОВ,
журналист.

**Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2–қават.
Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 673 нусха.
Буюртма Г-1140

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.